

Юридик Таълимни Ривожланишида Рим Ҳуқуқининг Тутган Ўрни

В. Р. Топилдиев¹, Г. Абдуганиева²

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф юридик таълимни ривожланишда Рим ҳуқуқининг тутган ўрни, Рим ҳуқуқи инсоният тарихида ҳуқуқ соҳаларини ва умуман ҳуқуқ тизимини шаклланиши ва ривожланишининг асосини ўзида акс эттириб ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жihatларидан бирини, яъни Рим юриспруденциясини ташкил этганлигини назарий ва амалий жihatдан таҳлил этган. Шунингдек, цивилист олимларнинг фикларини илмий жihatдан таҳлил этиб, зарурий таклифлар берган.

Калит сўзлар: Рим ҳуқуқи, хусусий ҳуқуқ, оммавий ҳуқуқ, фуқаро, юриспруденция, ҳуқуқий таълим-тарбия, ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни.

Рим ҳуқуқи жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган дунёдаги буюк ҳуқуқ тизимларидан биридир. Шубҳасиз унинг таъсири аввал бутун Европага, кейин эса унинг чегараларидан чиқиб бутун дунёга кенг тарқалди. Қадимги Рим давлатида юриспруденция ҳақидаги кўплаб ғоялар дунёга келган, улар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон Республикасининг балки романо-герман ҳуқуқ тизими амал қиладиган барча давлатларнинг ҳуқуқ тизимида асосий роль ўйнайди.

Юридик адабиётларда юриспруденция - (лот. *jūris prūdentia* “ҳуқуқшунослик”, лот. *jūs, jūris* “ҳуқуқ” ва лот. *prūdentia* – “башорат қилиш”, “билим”) – юридик фан ва юридик амалиётнинг, шунингдек, юридик тушунчаларнинг асосий тизими деган тушунчаларни англатиши кўрсатиб ўтилган.

Одатга кўра илм аҳли томонидан замонавий ҳуқуқшуносликнинг асосчилари сифатида Рим ҳуқуқшунослари тан олинади. Уларнинг фикрича “ҳуқуқ” атамаси (*ius*) “адолат” (*iustitia*) атамасидан келиб чиққан, зеро “ҳуқуқ яхшилик ва адолат ҳақидаги илмдир. Ҳуқуқ илми илоҳий ҳамда инсоний билим, ҳақни ноҳақдан ажрата олиш қобилияти сифатида эъзозланган (*“iuris pridentia est dinarum atque iniusti scientia”*).

Шахсий ҳуқуқни умуминсоний ҳодиса сифатида ўрганувчи хусусий ҳуқуқ, ҳуқуқ тушунчаси вужудга келган пайтданоқ шаклланди ва ҳозирга қадар унинг ажралмас таркибий қисмига айланди. “Ҳуқуқ илми қадимий илмлардан бири, эҳтимол, энг қадимий ижтимоий илмдир”, - дея тадқиқотчилар эътироф этадилар.²¹ Ҳозирги даврга келиб, Рим ҳуқуқи илми хануз ривожланишда давом этаётган изчил тартибга солинган ва батафсил ишлаб чиқилган таълимотга айланди.

Юридик таълим ҳам айнан Рим ҳуқуқидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Юридик таълим тизимида Рим ҳуқуқи фани алоҳида ўрин тутади. Рим ҳуқуқи бундан XXV аср муқаддам Рим қулдорчилик давлатининг маҳсули бўлган ҳозирда мавжуд бўлган барча ҳуқуқ соҳаларининг негизини белгилаб берган жаҳон тарихи ва ҳуқуқий маданиятида алоҳида из қолдирган фуқаролик ва савдо ҳуқуқларининг вужудга келишида асос сифатида хизмат қилган ҳуқуқий ҳазиналардан ҳисобланади.

Бу соҳа «Рим ҳуқуқи», «Рим фуқаролик ҳуқуқи», «Рим хусусий ҳуқуқи» деб аталишидан қатъий назар, унинг мазмун ва моҳияти ўзгариб қолмайди. Чунки, қадимги Рим қулдорчилик давлатининг бирдан-бир ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи бўлиб, ҳатто дастлабки пайтларда жиноий

¹ Ю.ф.д, профессор

² 3-курс талабаси

²¹ Р.Лукич. Ҳуқуқ методологияси. М., “Прогресс”, 1981.



жазо билан боғлиқ бўлган хатти-харакатлар ҳам бевосита фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солинган.

Рим ҳуқуқи инсоният тарихида ҳуқуқ соҳаларини ва умуман ҳуқуқ тизимини шаклланиши ва ривожланишининг асосини ўзида акс эттириб ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бирини, яъни Рим юриспруденциясини ташкил этган.

Қадимги Рим жамиятида дастлаб ҳуқуқ соҳаларидан биринчи бўлиб, фундаментал ҳуқуқ соҳаси сифатида фуқаролик ҳуқуқи вужудга келди. Дастлаб барча содир этилган ҳаракатлар, муносабатлар, одат нормалари, анъаналар, ота-боболар томонидан қолдирилган маросимлар, диний муносабатлар, орқали тартибга солинган бўлса ҳамки, бу нормалар жамият ривожланишининг такомиллашиб бориши натижасида аста-секинлик билан ёзма равишдаги муносабатларга ўта бошлади. Ана шундай асосда вужудга келган ёзма равишдаги муносабатлар дастлаб фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини келтириб чиқарди ва уларнинг ҳаракат доирасини нихоятда кенг қилиб белгилади. Дарҳақиқат, вужудга келган барча ҳаракатлар, ҳатто жиноят элементлари билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам дастлаб фуқаролик-ҳуқуқий нормалари билан тартибга солиниб, фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиши учун асос ва замин яратган.

Буюк Рим ҳуқуқи Рим қулдорчилик жамиятида вужудга келган бўлиб, у икки қисмга яъни, оммавий (публичное) ва хусусий (частное) ҳуқуқларга бўлинган Қадимги Римнинг машҳур тарихчиси Тит Ливий (янги эрамизнинг 1 асри) Римдаги мавжуд бўлган одат нормаларидан келиб чиққан ёзма қонун «XII Жадвал» қонунига оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг ҳам манбасидир деб таъриф берган эди.³

Ҳақиқатан ҳам XII Жадвал қонунлари янги эрамиздан илгари 451-450 йилларда вужудга келиб, барча мавжуд бўлган оғзаки равишдаги одат нормаларини ёзма ҳолатга келтириб, мужассамлаштириб қонунга айлантирган. Ана шу қонун Рим фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишида дастлабки асослардан бири бўлиб ҳисобланади. Рим давлатида оммавий ҳуқуқ деганда давлат манфаатларини, эркини, унинг ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қиладиган, унинг статуси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардан ташкил топган муносабатларга айтилган.

Рим қулдорчилик давлатининг машҳур юристларидан бири Ульпиан оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб: **Оммавий ҳуқуқ** - бу давлатнинг ҳуқуқий ҳолати (статуси) билан белгиланадиган хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахсларнинг манфаати, фойдаси билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардан ташкил топган деган таъриф берган. Бу таърифдан кўриниб турибдики, оммавий ҳуқуқ ҳақиқатан ҳам давлат манфаатини кўзловчи, уни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборатдир

Рим ҳуқуқида (**юс**) сўзи ҳар хил яъни «ҳуқуқ», «ҳуқуқдорлик», «ваколат», «ҳуқуқ нормалари» деган тушунчаларда, мазмунда ишлатиб келинган. Оммавий ҳуқуқда эса «ҳуқуқ нормалари» сифатида қўлланилиб, у давлатни идора этиш, давлат органлари тизими, уларнинг ваколати, компетенцияси, мансабдор шахслар тушунчаси, муассасалар, давлатни иродасини, эркини амалга оширувчи ҳужжатлар ва барча фуқаролар учун мажбурий ва бажариши шарт бўлган ҳамда шахсларнинг келишиши асосида ўзгартирилиши мумкин бўлмаган нормалар йиғиндиси тушунилан. Шу боисдан оммавий ҳуқуқ давлат статуси билан боғлиқ бўлган муносабатларни, хусусий ҳуқуқ эса алоҳида фуқароларнинг эрки, иродаси ва манфаатига доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солган.

Хусусий ҳуқуқ – бу алоҳида шахсларнинг эрки, иродаси ва манфаатларини кўзлар экан, у энг аввало ҳуқуқ субъектларининг ихтиёрий равишда мустақил ўз хоҳиш-иродаларининг, автономия, эркин рақобат, фуқаронинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ёки қилмаслигини ўзи ҳал этишини, даъво қилиш ёки рад этиш, меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ва бошқа бир қатор муносабатларга киришиш ёки киришмаслигини ўз ихтиёри, эрки асосида амалга оширишини таъминлаган.

³ Топилдиев, В. Р. "Рим ҳуқуқи." Тошкент: Янги аср авлоди. 2013. 263 б.



Бизнинг фикримизча оммавий ва хусусий ҳуқуқни фарқи қуйидагиларда намоён бўлади:

Оммавий ҳуқуқ - бу ҳуқуқ тизимининг бир қисми, яъни умумий (жамият) ёки миллий манфаатларни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси. Оммавий ҳуқуқда тарафлар ҳуқуқий жихатдан тенгсиз бўлиб оммавий-ҳуқуқий муносабатларда ҳаракат қиладилар.

Хусусий ҳуқуқ - бу ҳуқуқ тизимининг бир қисми, яъни шахслар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ва химоя қилувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Хусусий ҳуқуқни асосини хусусий мулк ташкил этади. Демак, хусусий ҳуқуқ бу шахснинг бошқа шахслар билан вужудга келадиган муносабатларида унинг манфаатини химоя қилувчи ҳуқуқ нормалари мажмуидир.

Ҳақиқатан ҳам Рим ҳуқуқи яхшилик, эзгулик, адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланар экан улар учун қулдорлар, қуллар ва шу ҳудудда яшаб турган барча инсонлар ҳамда аҳоли ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлганлар. Масалан, император Юстинианнинг Дигестида «**Тўғри яшамок, бошқа одамга зарар келтирмаслик, ҳар кимга ўзига тегишли бўлган нарсани бермоқ**» деган сўзлардан шу мазмун келиб чиқадики, Рим ҳуқуқининг асосини яхшилик, адолат ва қонунийлик ташкил этган. Лекин эксплуатацияга асосланган ҳар бир жамият ўзининг иқтисодда ҳукмрон бўлган синфларининг эркини, манфаатини кўзлайди ва бу манфаатларни қонунлар асосида мустаҳкамлайди. Айтиш жоизки, Рим давлати ҳам бундан мустасно бўлмаган⁴.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалда бўлган хусусий ҳуқуқ, жумладан, фуқаролик ҳуқуқи тизими ҳақидаги ҳуқуқий билимларнинг негизини Рим ҳуқуқи ташкил этади. Рим ҳуқуқидан тўғрироқ ва мукамалроқ ҳуқуқни ҳеч бир халқда топиб бўлмайди. Буни бутун жаҳон тан олган ва йигирма беш асрдан ортиқ вақтдан буён дунёнинг кўпчилиги маданиятли халқлари Рим ҳуқуқидан ўз шароитларига мослаштирган ҳолда фойдаланиб келмоқдалар. Римликларнинг башарият тарихи олдидаги ушбу буюк хизматларини барча халқларнинг ҳуқуқшунос олимлари эътироф этганлар.

Рим ҳуқуқининг бундай баркамоллиги ва универсаллиги бир неча муҳим омилларга асосланган, аммо уларнинг барчасини умумлаштириб айтиш мумкинки, улар хусусий мулкчилик муносабатларининг объектив, яъни кишининг хоҳишидан ташқари амал қиладиган қонуниятларини кашф эта олганлар ва уларни ўз шароитларида оқилона қўллаш йўллариини ишлаб чиққанлар.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини эса биз Рим ҳуқуқидан топамиз. Шу боис ҳам республикамизда хусусий мулкнинг шаклланиш жараёнида рим ҳуқуқи ёрдамга келиши, баъзи қоидаларининг эса қонунчилигимизда қабул қилиниши табиий бир ҳолдир.

Бугунги кунда ҳуқуқий таълим тизими миллий ҳуқуқ тизимини шаклантиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бу ҳуқуқнинг ривожланиши, унинг жамият томонидан идрок этилишига, барча қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг фаолиятига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари, **юридик таълимсиз юридик фан бўлиши мумкин эмас, юридик фанларсиз эса тўлиқ ривожланаётган ҳуқуқ тизими бўлмайди.**

Фикримизча, Рим ҳуқуқининг замонавий ҳуқуқшунослар учун аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, рим ҳуқуқининг матнлари умумэътироф этилган атамалар ва тушунчалар фақат биринчи манбани ўрганиш орқали ўзлаштирилиши мумкин, ҳуқуқшунос учун уларнинг мазмуни аниқ тушиниш зарур;

иккинчидан, рим ҳуқуқидаги ифодаларнинг аниқлиги, конструкцияларнинг пишиқлиги билан фарқланиб, юқори даражадаги юридик техникага эгаллиги қонун ижодкорлигида ва ҳуқуқ қўллаш амалиётида зарурдир;

⁴ Топилдиев, В. Р. "Рим ҳуқуқи." Тошкент: Янги аср авлоди. 2013. 263 б.



учинчидан, рим ҳуқуқини ўрганиш ҳуқуқшуносларнинг дунёқарашини сезиларли даражада кенгайтириб, унинг касбий маънавиятини юксалтиради.

Рим ҳуқуқини ўқитилишининг асосий мақсади рим ҳуқуқининг асосий назарий қоидаларини, нормаларини ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этишдир.

Рим ҳуқуқи, ундаги тушунчаларнинг аниқлиги, юридик техникага эгаллиги билан замонавий ҳуқуқшуносга ҳуқуқий категорияларни аниқ ажратиш ва шакллантиришга ёрдам бериши мумкин. Қонун ижодкорлиги ва қонунларни тўғри қўллаш учун зарур бўлган юридик техникани эгаллаш рим ҳуқуқини ўрганишнинг мақсад ва вазифалардан биридир.

Қадимги Рим давлатида фуқаро ҳуқуқий маслаҳатчи бўлиш учун кўп йиллик давлат фаолияти билан шуғулланган, жамиятда юқори ўрин эгаллаган, бундан ташқари келиб чиқиши аслзодалардан бўлиши керак эди. Ҳуқуқий маслаҳатчи лавозимига даъво қилишдан олдин Рим фуқароси қатор магистрлик лавозимларидан ўтиши, квестор, трибун, эдил, претор, консул сифатида ишлаши керак бўлган. Бу кўп йиллик ҳамда серқирра фаолияти давомида у ҳуқуқ билан нафақат турли формулалар орқали, балки унинг ҳаётий функциялари билан танишади, шахсий ва жамият ҳаёти эҳтиёжлари билан бевосита танишиб, ҳуқуқнинг техник томонини ўзлаштириб, шу билан бирга халқ олдида ўз қобилияти, тажрибаси ва ўзининг ахлоқий фазилатларини кўрсатиш имкониятига эга бўлар эди. У халқ олдида ўзини нафақат мохир ишбилармон сифатида, балки юксак инсоний жасорат, ҳақиқатпарвар, манфаатлар таъсирига чалғимай ишнинг асл моҳиятини англашга интилувчи инсон сифатида кўрсата олиши лозим эди. Ўзининг шуҳратли ўтмиши шон-шарафига кўмилган ва сочига оқ оралаган бундай фуқаро ҳаракатсизликдан сўлиб қолишдан чўчимай кексалик гашти ҳақида бемалол ҳаёл суриши мумкин эди: халқ ҳар куни унинг эшигининг остонасида маслаҳат сўраш учун навбат кутади; магистратлар ва судьялар учун унинг сўзи катта таъсир кучига эга бўлади. Фақат шундай фуқарогина ҳуқуқий маслаҳатчи ўрнига даъво қилиши мумкин эди.⁵¹

Ўзбекистон Республикасида юридик таълимнинг ривожланишини унга йўналишда кузатиш мумкин:

ОТМлар орқали таъсир ўтказиш;

Қонунларни қабул қилиш орқали таъсир ўтказиш;

Ҳуқуқий мафкура орқали таъсир ўтказиш.

Рим ҳуқуқини ОТМлар орқали таъсирининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, биз юридик таълимни ривожлантиришда дунё мамлакатларидан анча орқада қолганлигимизни таъкидлаш мумкин. Агарда Европа мамлакатларининг ОТМларида жумладан, Болонья университетида XI-асрадаёқ ҳуқуқшуносларни тайёрлаш бошланган бўлса, бизнинг Ўзбекистон худудида университет юридик таълими фақат XX асрнинг бошларида пайдо бўлган.

Вақтдаги бундай жиддий тафовут ҳуқуқий таълимнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсир қилмай қолиши мумкин эмас эди. Шу билан бирга Республикамизда таълим ташкилотлари Европа университетларида тўпланган тажрибалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ўзларида ҳуқуқшуносларни етишмаслиги сабабли, Ўзбекистонда юридик таълим йўлга қўйилган Туркистон давлат университетининг биринчи профессор-ўқитувчилари россияликлар бўлиб, ўқитиш асосан рус тилида олиб борилган.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражаси у ерда шаклланган таълим тизими қатори ҳуқуқий онг ва маданият даражасига боғлиқ. Зеро, бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири саналади.

⁵¹ Боголепов Н. Рим классик ҳуқуқшунослигида умумхалқ фуқаро ҳуқуқи (ius gentium) нинг аҳамияти. М., 1876 й. 196-й.



Табийки, мазкур мезонларни самарали ҳаётга татбиқ этишда юридик таълимнинг аҳамияти бекиёс. Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу йўлда зарур ҳуқуқий-ташкилий ва институционал база такомиллаштирилди, замон талабларига мослаштирилиб борилмоқда.

Бу борада энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишларни тизимли ва узвий йўлга қўйишга катта эътибор қаратилди. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифалар умумий тусдан ихтисослаштирилган ва чуқурлаштирилган тамойилларга изчил ўтказилмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш пировард мақсад этиб белгилаб олинди. Бинобарин, ушбу ғояни амалга оширишда юридик таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага инновацион усуллар, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини кенг татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар мазкур тизим қиёфасини мутлақо янгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлар, 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор шулар жумласидандир.

Юридик кадрларни тайёрлаш учун нафақат марказда, балки вилоятларда ҳам шароитлар яратилаётгани қувонарли ҳол. Бунга давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони асосида барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Хусусан, унга мувофиқ, Тошкент давлат юридик университети «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди. Айни чоғда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилди ва «Юриспруденция» йўналиши бўйича белгиланган тартибда шакллантириладиган ва тасдиқланадиган квоталар бўйича қабул, шу жумладан табақалаштирилган тўлов контракт асосида қўшимча қабул амалга оширилмоқда.

Булар эса замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш салоҳиятини янада оширади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори юридик таълим тизими ҳам янгиланмоқда. Соҳага энг сўнгги таълим ва инновацион технологиялар, кредит-модуль тизими, хориж тилларини ўргатиш методлари татбиқ этиляпти. Бу эса бугунги кескин рақобат муҳитида интеллектуал жихатдан етук, ўз ҳуқуқини чуқур биладиган ва бошқаларга ҳам буни етказа оладиган кадрларни етказиб беришда айни муддаодир. Зеро, давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи. Дарслик. –Т., «Янги аср авлоди», 2013. -263 б.
2. Боголепов Н. Рим классик ҳуқуқшунослигида умумхалқ фуқаро ҳуқуқи (ius gentium) нинг аҳамияти. М., 1876 й. 196-й.
3. Р.Лукич. Ҳуқуқ методологияси. М., “Прогресс”, 1981

